

# СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИЛДИ



Иқтисодий барқарорликка эришиш йўлидаги энг муҳим устувор вазифалардан бири, шубҳасиз, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга тенг рақобат мухитини яратишdir. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 30-декабрдаги “Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ 2023-йил 1-январдан Республиkaning 208 та туман ва шаҳарлари ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб 5 та тоифага ажратилди. Хусусан вилоятимизнинг Бандиҳон, Қизириқ ва Олтинсой туманлари 5-тоифага, Бойсун, Музработ, Узун, Шеробод ва Шўрчи туманлари 4-тоифага киритилди ва уларга қўйидаги солиқ имтиёзлари берилди.

2023-йил 1-январдан 2026-йил 1-январга қадар:

- 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субектлари:

фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ (АОС) ва ижтимоий солиқни 1% (*ЯТТлар ЖШОДСнинг қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинади*);

юридик шахслар мол-мулк ва ер солиғини мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган суммани 1 фоизи миқдорида тўлайди;

- 4-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субектлари учун АОСнинг базавий солиқ ставкаси 3% этиб белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи КенГЭСи ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига:

- 4-тоифадаги туманлар бўйича юридик шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғига Солиқ кодекси билан белгиланган энг кам қийматларга 0,3 гача;

- ЯТТлар учун қатъий белгиланган миқдордаги ЖШОДС бўйича 0,5 гача камайтирувчи коеффитсиент киритиш ҳуқуқи берилди.

Юртбошимиз фармонига асосан Олтинсой туманида 5-тоифа бўйича жорий йилда ўртacha 8 754,0 млн сўм миқдорида солик имтиёzlари қўлланилиши кутилмоқда.

Солик қонунчилигига киритилган ўзгартишларга кўра 2023-йил 1-январдан ККС ставкаси 15% дан 12% га туширилди. 4% дан 25% гача бўлган АОСнинг ягона 4% лик ставкаси ўрнатилди. Бунда айрим солик тўловчилар учун 1-3% лик ставкалар сақлаб қолинди.

Шунингдек, 2023-йил 1-январдан бошлаб айланмадан олинадиган соликни қатъий белгиланган суммада тўлаш тартиби жорий этилди.

Бунда солик тўловчиларга жами даромади 500 млн сўмдан ошмаганда йилига 20 млн сўмлик, жами даромад 500 млн сўмдан ошганда эса йилига 30 млн сўмлик қатъий белгиланган суммада солик тўлашни танлаш ҳуқуки берилди. Аҳамиятли жиҳати, қатъий белгиланган суммадаги соликнинг солик тўловчисидан дивиденdlар тарзидаги олинган даромадларига солик солинмайди. Шунингдек, қатъий белгиланган суммадаги соликнинг солик тўловчиси мазкур солик бўйича ва дивиденdlари тарзидаги даромадларга тааллуқли қисм бўйича солик ҳисботларини тақдим этиш мажбуриятидан озод қилинади. Маълумот учун, жорий йилнинг дастлабки ойида туманимиздаги 83 нафар АОС тўловчилар қатъий белгиланган суммадаги соликни тўлашга ўтдилар.

Таъкидлаш жоизки, норасмий бандлик улушкини қисқартиришда ўзини ўзи банд қилиш муҳим ўрин тутмоқда. Бугунги кунда туманимизда ўзини ўзи банд қилган фуқаролар 6 049 нафар бўлиб, 2023-йилнинг январ ойида 780 нафар воҳадошларимиз ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатида давлат рўйхатидан ўтди.

Ўтган январ ойида “Соликчи-кўмакчи” тамойили асосида туманимизда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг ҳузурига борган ҳолда 42 та муаммолари ўрганилиб, ушбу муаммоларнинг 38 таси солик органлари ходимлари кўмагида ҳал этилди ва 4 та масала юзасидан тушунтиришлар берилди. Жумладан 16 нафар тадбиркорларга дастлабки бухгалтериясини юритишда кўмаклашилиб, 22 нафар тадбиркорларга “Э-имтиёз”, “Э-ижара” ҳамда “Э-актив” автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш тартиблари тушунтирилди.

“Ҳаво ҳарорати кескин совиб кетишининг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш учун тадбиркорлик субектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорининг қабул қилиниши тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Қарорга кўра:

- тадбиркорларнинг 2023-йил 1-январга нисбатан 1-феврал ҳолатига ошган (ҳосил бўлган) солик қарзини 2023-йил 1-мартдан 1-июлгача фоизларсиз, қўшимча шартлар қўймасдан ва таъминот талаб этмасдан тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади;
- тадбиркорларнинг солик қарзига пеня ҳисоблаш 2023-йил 1-апрелгача тўхтатилади.
- ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субектларга 2023-йил 1-апрелгача жарималар қўлланилмайди.

Шунингдек, тадбиркорлар 2022-йил декабр ва 2023-йил январ-феврал ойларида давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловларини 2023-йил 1-мартдан 1-июлгача тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаши мумкин.

Боймирзаев Равшан Мирзалиевич  
инспекцияси бошлиғи

Олтинсой туман давлат солик